ОБЛАСТИМИЗДА 150.000 ТОННАДАН КЎПРОҚ «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (5540).

30 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНА БИЛАН ПАХТА ТЕРИШДА ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН КОЛХОЗ, СОВХОЗЛАРИ ҲАМОН ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР. УЛАР ҚУНИГА 10 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ЭСА САЛКАМ 9 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ, ОҚҚУРҒОНЛИКЛАР 5 ПРОЦЕНТДАН КЎПРОҚ «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР. ҚУЙИ ЧИРЧИҚДА МАШИНАЛАРНИНГ ИШ УНУМИ ҚУНИГА 13 ТОННАДАН, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ БЎЛМОҚДА.

ЛЕКИН, ЧИНОЗ, ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИ МАШИНА БИЛАН ПАХТА ТЕРИШДА ОБЛАСТЬ ДАРАЖАСИДАН ҲАМ ОРҚАДА ҚОЛМОҚДАЛАР.

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚУШАЙЛИК.

ҲИСОБДОН БЎЛАЙЛИК

ХАЛҚИМИЗДА «Ҳисобидан адашган — топганидан айрилар», деган доно сўз бор. Дарҳақиқат, қаердаки ҳисоб-китоб билан иш юритилса, ўша жойда муҳим режалар амалга ошаверади, хўжалик гуллаб-яшнайди. Сарф-харажатда, даромад келтиришда бунинг акси бўлса иш орқага кетаверади.

КПСС XXIV съездида алоҳида таъкидлангандек, қишлоқ хўжалигини комплекс асосда ривожлантириш, шу йўл билан колхоз, совхозлар иқтисодини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам асосий вазифа бўлиб қолаверади. Хўжалик ишлари, унинг иқтисодий томони кўздан кечириладиган бўлса, ҳали ҳам кўпгина жойларда бир соҳа даромад келтиради, иккинчи соҳадаги ишлар талаб даражасида бўлмай, ҳар хил харажатлар кўпайиб кетиб, фойда ўрнига зарар кўрилади.

«Бизда пахтачилик, сабзавотчилик — асосий тармоқ» деб чорвачиликка, боғдорчиликка етарли эътибор бермаётган хўжаликларда бу хилда иш кўриш кўпроқ учрайди. Ана шундай жойларда асосий тармоқлардан келган даромад йил охирида ҳисоб-китоб қилинганда қўлга киритилган бойликнинг каттагина қисми «асосий бўлмаган» соҳалардан кўрилган зарарни қоплашга кетиб, хўжаликнинг умумий ютуғи пасаяди.

Бундай кўнгилсиз ҳолнинг юз бермаслиги учун колхоз, совхоз экономистлари ўз вазифаларига масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда қарашлари, хўжалик маблағини сарфлашда правлениега ёрдам беришлари керак.

Колхозларда ярим йиллик ҳисобот мажлислари бўлиб туради. Шунда ўтган йилги ишлар муҳокамага қўйилади. Бунда иккинчи ярим йиллик давомида биринчи ярим йилликда йўл қўйилган камчиликлар тузатилиши, ортиқча харажатлар чегараланиши, бу соҳада қилинмаган ишлар икки ҳисса қилиб амалга оширилиши, баланс тафсўтикинг мўлжалдагидек бўлиб боришини таъмин этилиши иқтисодчиларнинг жонкуярлик, билимдонлик билан ишлашларини тақозо этади.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Оржоникидзе районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари, Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозида ва шулар сингари ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилган хўжаликларда пахтачилик ҳам, сабзавотчилик ҳам, чорвачилик ва боғдорчилик соҳалари ҳам рентабел бўлиб ҳамма томондан катта даромад олиқаётирки, бу ана шу хўжаликлар иқтисодини йил сайин юксалтирмоқда, қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий даромадини оширяпти. Улар шунинг эвазига зарур бўлган жамоат биноларини кўплаб қурмоқдалар, қишлоқларини обод қилмоқдалар.

Лекин ҳали ҳам иқтисодий жиҳатдан анча орқада қолаётган, хўжаликни комплекс ривожлантириш тўғрисида чинакамига қайғурмаётган, окибатда ҳосилдорликни пасайтириб, унинг таннархини ошириб юборяётган колхоз, совхозлар ҳам йўқ эмас. Табиийки бундай ерларда иқтисодчи ходимлар ўз ишларига ўта масъулиятсизлик билан қарайдилар, ёки айрим ҳайбаракаллачи раҳбарларнинг изидан чиқолмай, кўпчилик меҳнати туфайли келаётган бойликнинг иккинчи томондаги ўпирилишга сарфланаётганлигига панжа орасидан қарайдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз 1974 йилда пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан район даражасидан ҳам паст кўрсаткичга эришди. Бу ҳам етмаганидек, пахтанинг таннархи сметада белгиланганидан анча юқори бўлди. Областимиздаги, қолаверса, шу районнинг ўзидаги жуда кўп хўжаликлар маҳсулот таннархини пасайтириш соҳасида йил сайин яхши натижага эришаётган бир пайтда, бу колхозда бир центнер пахтани етиштиришга мўлжалдаги 30 сўм 20 тийин ўрнига 39 сўм 21 тийин сарфланган. Бунинг устига топширилган пахтанинг анчагина қисми паст сортларга қабул қилинган. Бундай аҳволда хўжалик бойлигини қандай кўпайтириб бўлади!!

Ҳозирги шароитда хўжаликни бошқаришда экономика илмини яхши эгаллаган, сарфланган харажатга нисбатан олинадиган фойданинг белгиланганидан анча юқори бўлишини таъминлай оладиган кишилар иш бошида бўлишлари зарур. Қишлоқ хўжалик кадрларини бу соҳада ўқувларини, семинарларини, тажриба алмашишларини ташкил этиш партия, совет ташкилотлари олдида турган муҳим вазифадир. Шу билан бирга улар хўжалик ҳисобида ишлаш усулларини жорий этишлари, жойларда маҳсулот таннархини белгиланган нормада бўлишини узлуксиз назорат қилиб туришлари керак.

Ҳар йили ўтказиб турилади ган иқтисодий ўқув савиясини кўтаришга жиддий эътибор бериш лозим. Бунда маҳаллий мисоллар, илғорлар тажрибаси пропаганда қилиниши, ҳисобдон экономистлар иш усули ўқув программасидан мунсиб ўрин эгаллаши зарур. Экономика группалари ва бу соҳадаги бюролар олиб бораётган иш ҳамиша эътиборда турганлигина жойларда ҳисоб-китоб кувончли бўлади.

Қишлоқ хўжалик йилини якунлашимизга оз вақт қолди. Ўтган даврда бажарилган ишимиз, топширилган маҳсулотлар натижаси, миқдорини олдиндан режалаб қўйишимиз, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз зарур.

Деҳқонлар ғоят масъулиятли палладалар. Пахта терши ва давлатга топширишнинг қизғин дамлари ўтмоқда. Терим машиналари, пахта ташиш транспорти иш унумининг ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлиши учун механизаторлар, пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик. Йиғим-терим вақтида оқилона ҳисоб-китоб олиб бориб, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймайлик.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, чорвачилик маҳсулотлари таннархини ўтган йилдагига қараганда камайтириш учун, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан бундан ҳам бақувват бўлиши учун кадрларимизнинг иқтисодий малакасини ҳартараф лама оширайлик.

БУКА районидаги Ҳамза номли колхозда пахта терши ва давлатга топширши қизғин бормоқда. 1800 гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» топширши хўжалик аъзоларининг эътиборида турибди. Кунига йиллик планнинг 6-7 процентимиқдорида пахта жўнатилмоқда. Суратларда: (юқоридан пастга) илғор механик-ҳайдовчилардан З. Ажакимов, И. Муротов, Э. Аширматов ўртоқлар. «Зангори кема»ларнинг ишлашк, мавсумда 180 тонна пахтани теришга сўз берган механик-ҳайдовчи У. Жўраев.

Ж. Тўраев фотолари.

„МОСКВА“ КОЛХОЗЧИЛАРИГА ОФАРИН!

Қуйи Чирчиқ районидаги илғор «Москва» колхозининг қаҳрамон пахтакорлари, баҳодир механизаторлари (колхоз раиси И. Шубладзе) КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, улкан зафар қучдилар. Улар областда биринчи бўлиб, 10 иш кунида халқ хўжалиги планини бажардилар.

Шу нарса қувончлики, давлатга топширилган пахтанинг 90 проценти машиналарда териб олинди. Ҳар гектар ердан териб олинган ҳосил 31 центнерни ташкил этди.

Областимизнинг қадрдон пойтахтимиз Москва шаҳри номи билан аталган пешқадам колхози аъзолари бутун кучни олинган юксак социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Раҳмат сизга, марди-майдон «Москва» колхозн баҳодирлари!

ШЧЕКИНО «АЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни меҳнатдаги катта ғалаба билан — минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган тўққизинчи беш йиллик плани ва социалистик мажбуриятлари ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги билан самимий табриклайман.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва такомиллаштириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётган, илғор меҳнат методлари жорий этилаётган коллективларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун катта резервлардан самарали фойдаланиб аётганлигини сизларнинг меҳнатдаги зафарингиз яққол кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитети шуни мамнуният билан таъкидлайдики, ходимларни камайтириш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасидаги сизларнинг тажрибангиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг равишда оммалашди ва партиямизнинг меҳнат ресурсларидан ғоят самарали фойдаланиш, мамлакат экономикасини янада юксалтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш соҳасидаги социал-иқтисодий проргаммасини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Азиз ўртоқлар, сизларга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни, КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга эришувингизни тилайман!

Л. БРЕЖНЕВ.
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ БАҲОДИРЛАРИ

ТЎРТ ҚАТОРЛИ МАШИНАДА: В. НУРОВ — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда. 29 сентябрга қадар 101 тонна пахта терган. А. ҒОЙИПОВ — шу райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси. 98 тонна пахта терган. П. МОВЛАТҚУЛОВ — «Северний маяк» колхозининг аъзоси. 96 тонна пахта терган. Т. НИЕЗОВ — Охунбобоев номли колхоздан. 94 тонна пахта терган. М. ЮСУПОВ — Ленин номли колхоздан. 92 тонна пахта терган. М. АЗИЗОВ — Ленин номли колхоздан. 90 тонна пахта терган. М. САФИЕВ — Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозидан. 84 тонна пахта терган.

ИККИ ҚАТОРЛИ МАШИНАДА:

М. МУҲАМЕДОВ — Бекобод районидаги «Ленинград» совхозидан. 78 тонна пахта терган. М. САФИЕВ — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоздан. 75 тонна пахта терган. А. ХОЛМИРЗАЕВ — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоздан. 75 тонна пахта терган. А. ЎРМОНОВ — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан. 74 тонна пахта терган.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун мавсум бошидан бери.

Қуйи Чирчиқ	10,03	53,97	11,60	56,36
Янгийўл	4,07	42,96	3,59	16,43
Ўрта Чирчиқ	4,56	38,67	5,24	38,76
Юқори Чирчиқ	8,63	38,08	9,37	40,34
Оққўрғон	5,10	35,50	5,24	32,83
Пискент	4,78	33,99	4,85	27,92
Бўка	4,36	33,70	4,33	28,14
Бекобод	4,65	31,99	4,57	24,69
Чиноз	3,00	26,75	3,32	15,07
Область бўйича	5,27	37,01	5,81	32,70

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДОН ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

ОРЖОНИКИДЗЕ	—	102,1
КАЛИНИН	—	100,1
Чиноз	—	91,9
Бўстонлиқ	—	89,7
Янгийўл	0,2	64,3
Бўка	1,0	57,8
Оҳангарон	—	56,9
Юқори Чирчиқ	0,5	55,3
Оққўрғон	0,4	55,2
Пискент	0,3	52,0
Бекобод	1,0	36,4
Қуйи Чирчиқ	0,4	36,4
Ўрта Чирчиқ	3,3	29,1
Область бўйича	0,8	56,8

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	7,7	57,0
Пискент	6,6	50,8
Янгийўл	9,2	50,1
Ўрта Чирчиқ	4,1	23,7
Оққўрғон	3,9	24,4
Бекобод	6,6	23,5
Юқори Чирчиқ	7,7	30,7
Қуйи Чирчиқ	7,4	23,1
Область бўйича	6,00	27,8

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНГРИЯДА

БУДАПЕШТ, 29 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигида расмий дўстона визит билан бу ерга келган СССР Олий Совети делегациясини Венгрия меҳнаткашлари самимий ва шодиёна кутиб олмоқдалар.

Совет делегацияси икки кун давомида Боршод саноат областида бўлди. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг раиси А. Апро, ВХР қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат министри П. Романь ҳамроҳлигида меҳмонлар «Золотой колос» қишлоқ хўжалик кооперативини бориб кўрдилар, Мезекевешд шаҳрига бориб, у ердаги халқ ижодий музейини тамоша қилдилар.

СССР Олий Совети делегацияси кеча Вишеград шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1975 йил 26 сентябрь № 230 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1975 ИЙЛНИНГ НОЯБРЬ—ДЕКАБРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунига биноан буюраман:

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1976 йилнинг 1 январигача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1975 йилнинг ноябрь-декабрида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи моддасига биноан ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек, чақириқ муддатини узайтириш муддати ўтиб кетган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

А. ГРЕЧКО.
СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали.

ВОЛГОГРАД БИЛАН ТАНИШУВ

ВОЛГОГРАД, 28 сентябрь. (ТАСС махсус мухбирлари И. Бирюков ва Н. Железнов). «Союз» — «Аполлон»нинг космик дружинаси бугун Волга соҳилидаги қаҳрамон шаҳар билан танишди. Томас Стаффорд Мамаев курганнинг ҳурматли меҳмони дафтарига: «Шаҳарнинг қаҳрамон ҳимоячиларини ҳурмат билан эсга олиш — биз учун катта шарафдир» деган сўзларни ёзганда, унинг остига космик дружинанинг ҳамма аъзолари имзо чекишди.

Меҳмонлар Марказий соҳил кўчасини бориб кўрдилар. Бу ерда Европадаги энг катта дарё вокзали қурилмоқда. Шунингдек, улар Павлов уйини ва Сталинград жангининг ҳозир қурилаётган панорама — музейини кўздан кечирдилар.

Сўнгра улар тилларда достон бўлиб қолган Мамаев қўрғонига йўл олдилар. Бу ерда Сталинград жанги қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган муаззам ёдгорлик — ансамбль қад кўтариб турибди. Космос қаҳрамонлари ҳарбий шуҳрат залида абадий машъал ёнига қизил чинни гуллар қўйишди.

Меҳмонлар шу куни Волга ГЭСини ҳам бориб кўрдилар. ГЭСнинг машина залида кираверишда: «Астрокосмонавтларни табриклаймиз!» деган шиор осилган эди. Волга энергетиклари космик дружинани шундай деб атадилар. «Союз—19» ва «Аполлон» экипажлари номидан А. Леонов гидростанция коллективига ноёб совға — Волга ГЭСининг космик орбитада туриб олинган рангли фотосуратини топширди.

Шу куни Волгоград область Ижроия Комитети «Союз—19» ва «Аполлон» кемаларининг экипажлари шарафига қабул маросими ўтказди.

Тушдан кейин меҳмонлар Новосибирскга жўнаб кетдилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

Узбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида янги экспозициялар очилди. Улар совет пахтачилигининг ва республикада қишлоқ хўжалиги бошқа соҳаларининг илмий-техника тараққиёти, уларнинг ўнинчи беш йилликда ривожланиш истиқболлари ҳақида, Узбекистон саноати ходимлари ва олимлари деҳқончилик ва чорвачиликни тараққий эттириш ишига қўшаётган катта ҳиссалари ҳақида ҳикоя қилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, область партия комитетларининг секретарлари, министрликлар ва идоралар, Қоракалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область Ижроия Комитетларининг раҳбарлари, республика жамоат ташкилотларининг раҳбарлари 29 сентябрь куни янги экспозицияларни келиб кўрдилар. (УзТАГ).

РАЙКОМ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Коммунистик партиянинг кўпқиррали фаолияти, энг олий мақсади коммунистик жамият қуришга бўйсундирилгандир. Янги жамият эса барча меҳнаткашларнинг, бутун совет халқининг актив иштироки, астойдил фаолияти билан барпо этилади. Коммунистик партия социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун бўлган курашда меҳнаткашларнинг энг илғор отряди бўлиб, барча жамоат — оммавий ташкилотларга раҳбарлик қилади.

Районимиз партия комитети ҳам жамоат ташкилотларининг ишини яхшилаш масаласини пленумларда, актив йиғилишларида, бюроларда муҳокама қилиб турибди. Жумладан, «Ленинобод» қишлоқ Советининг халқ маорифи ишига, Ленин қишлоқ Советининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда маданий-оқартув муассасалари ишига раҳбарлиги, Киров қишлоқ Совети доимий комиссиялари ва депутатлар группасининг фаолияти ва бошқа кўпгина масалалар кўрилди. Совет, комсомол, касаба союзлари ва бошқа ташкилотларнинг иши ҳам доимий диққат-эътиборимизда.

Оммавий ташкилотлар ичида Советларнинг роли беқиёс каттадир.

Шу йил 15 июнда маҳаллий Советларга ўтказилган сайловларда район Советига 95 киши, қишлоқ Советларига 370, посёлка Советига 70, яъни 535 депутат сайланди. Улардан 265 киши коммунист ва 260 киши аёллардан иборат. Маҳаллий Советларга сайланган депутатларнинг 52 проценти — ишчи ва хизматчилар. Улар бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этиб, моддий бойлик етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Район партия комитети Советларда ташкил этилган барча группалар орқали коммунист депутатларнинг активлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор берашти. Район Советининг депутати Ҳамза номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Мичурин номли колхознинг механизатори Ҳолбуви Йўлдошева, Бўка совхозининг бригадири Марям Аҳмедова сингари коммунистлар Советларнинг сессияларида ва доимий комиссиялар ишида актив қатнашмоқдалар. Коммунист депутатлар сайловчилар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турибдилар, сайловчилар истак ва таклифларини ўрганишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Район қишлоқ ва посёлка Советларида 74 та доимий комиссиялар, 200 дан ортиқ турли хил жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларда аҳолининг мингдан ортиқ вакили иш олиб бормоқда.

Кейинги йилларда барча совет кишилари сингари районимиз меҳнаткашларининг ҳам маданий қурилиш, савдо-сотиқ, маиший хизматга бўлган талаби ўсди. Бундай шароитда қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети ишини янада яхшилашни турмуш тақозо этмоқда. Советларнинг фаолияти эса кўп жиҳатдан улардаги ходимларнинг билимдонлиги, тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ. Район партия комитети ана шуни ҳисобга олиб, совет ходимларини танлаш, жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Райондаги олти қишлоқ Совети ва посёлка Совети раҳбарларидан икки киши олий, бир киши тўлиқсиз олий, қолганлари эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари партиянинг хўжалик ва маданий қурилишдаги сиёсатини амалга оширишда Советлар ва уларнинг ижроия органлари ролини тобора оширмоқдалар. Уларнинг фаолияти иқтисодий ва маданий турмушнинг зарур масалаларини ҳал этишга қаратилмоқда. Ана шу асосда беш йиллик план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши таъмин этилаётир.

Район партия ташкилоти касаба союзларга раҳбарликни яхшилаш борасида ҳам бир мунча ишларни амалга оширди. Ўтган икки йил давомида қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ходимлари район комитети касаба союз ташкилотининг бошланғич касаба союз ташкилотларига раҳбарлиги, «Бўка» совхози касаба союзлари ишчилар комитетининг социалистик мусобақага раҳбарлиги масалалари муҳокама қилинди. Натижада касаба союзлари ишида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатишга, социалистик мусобақани ташкил этишда самарадорликка эришишга муваффақ бўлинди.

Пахта тозалаш завода партия ташкилоти завод комитети ишига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам завод касаба союз ташкилоти ишчи ва хизматчиларнинг турмуш даражасини яхшилаш, социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар бир ишчининг топ-

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ

ширикни муваффақиятли бажаришига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Заводда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, илғорлар кўпайди. Беш йилликнинг, якунловчи йилнинг план ва топшириқлари муддатидан илгари бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг комсомолнинг XVII съездига йўллаган табрик телеграммасида комсомол фаолиятига юксак баҳо берилди. «Комсомол ўзи ташкил топган дастлабки кунлардан бошлабоқ бунёдкор кучи совет жамиятининг актив, революцион, коммунизм иши учун эътиқодли курашчиларини тайёрлаш мактаби бўлиб, мамлакатнинг бутун сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётида муҳим ўрин олади».

Биз партия кўрсатмасига асосан район комсомол ташкилотлари фаолиятини активлаштириш, комсомол раҳбар органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқдамиз. Ўтган уч йил мобайнида райком пленумлари ва бюро йиғилишларида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш вазифалари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми партия ташкилотининг комсомолга раҳбарлиги каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, бюрода «Партия XX съезди», Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотлари секретарларининг комсомолга раҳбарлик юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Район комсомол ташкилоти 123 бошланғич ташкилотдан иборат бўлиб, уларда 9200 дан ортиқ ёш йигит-қиз бирлашган. Уларнинг аксарияти колхоз, совхозларда транспорт ва қурилиш ташкилотларида ишлайди. Бошланғич комсомол ташкилотларининг 41 тасида КПСС аъзолари, аъзоликка кандидатлар етакчилик қилмоқда. «Октябрь 40 йиллиги» колхози комсомолларининг сардори, ёш коммунист Меҳри Йўлдошева фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Бу хўжаликда комсомол ташкилотининг ишини яхшилаш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш, ёшларнинг обрў-эътиборини кўтариш бошланғич партия ташкилотининг, колхоз правлениесининг доимий диқат-эътиборида турипти.

Шунингдек, Ҳамза номли колхоз партия комитети ҳам комсомол ишларини жонлантиришга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Комитет йиғилишлари ва коммунистларнинг умумий мажлисларида комсомол ташкилотининг ишига доир масалалар вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилади. Партия комитети вакиллари комсомол йиғилишларида қатнашиб, амалий маслаҳатлар билан ёшлар ўртасида ишнинг яхшиланишига кўмаклашмоқдалар.

Лекин, баъзи бир партия ташкилотлари комсомол ишига етарли раҳбарлик қилмаётганликлари, у ёки бу ўртоқни ёшлар ўртасида ишлашга тавсия қилиш билан чекланиб келаётганликлари ишимиздаги жиддий камчиликдир. Бугун хусусан, Карл Маркс номли, «Ленинобод» колхозлари партия ташкилотлари фаолиятига таллуқлидир.

«Бўка» совхозида комсомол йиғилишлари белгиланган муддатларда ўтмайди. Фрунзе номли колхоз комсомол комитетининг секретари ўртоқ Турсунқулов ёшларни тарбиялаш, уларни ишлаб чиқаришга тўла жалб қилиш тўғрисида қайғурмайди. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, колхоз раҳбарлари унга бирёўла уч хил йўналишдаги вазифани топшириб қўйибдилар. Ўртоқ Турсунқулов кассирлик қилади, спорт инструктори вазифасини ҳам бажаради. Бизнингча бундай қилиш нотўғридир. Ҳар бир хўжаликда комсомол ходимининг эркин ва ижодий меҳнат қилиши учун шароит яратиб бериш лозим.

Шу кунларда комсомол ташкилотлари ҳаётида муҳим воқеа — комсомол ҳужжатларини алмаштириш давом этмоқда. Ҳужжатларни алмаштириш комсомоллар активлигини оширишга, улар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда даркор. Бу муҳим сиёсий кампанияни муваффақиятли ўтказиш учун барча зарур тадбирларни амалга ошириш керак.

Район партия комитети халқ контроли комитетлари, хотин-қизлар Совети, спорт ва физкультура жамиятлари, халқ дружиначилари, ўртоқлик судлари ва бошқа бир қанча жамоатчилик ташкилотлари фаолиятига ҳам катта эътибор бермоқда. Партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, халқ контроли органларининг фаолиятини яхшилаш соҳасида тинмай гамхўрлик қилмоқдалар. Район халқ контроли комитетининг жойларда ташкил этилган группа ва постларида 1800 дан ортиқ халқ назоратчиси бор.

Физкультура, спорт, ДОСААФ ишларини жонлантириш борасида ҳам бир мунча тажриба орттирдик. Ҳозир районда 19 та физкультура коллективи бўлиб, улар ўз сафига 3140 спорт ҳаваскорларини бирлаштирган. Лекин, бу соҳада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бор. Ғаш шундаки, иқтисодий жиҳатдан бақувват, маданий жиҳатдан ривожланган «Октябрь 40 йиллиги», Жамбул номли колхозлар ва «Қўқорол» совхозларида партия ташкилотлари физкультура ва спорт ишига етарли раҳбарлик қилмаяптилар.

Биз ўртоқлик судларига турмуш тажрибасига эга бўлган, билимдон, обрўли кишиларни сайлаб қўйишимиз, халқ кўнгилли дружиначилари ишини намунали ташкил этишимиз керак. Ана шундагина улар партия ташкилотларининг актив ёрдамчиларига айланадилар.

Район партия комитети ва унинг бюроси партиямизнинг XXV съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириб, беш йилликнинг якунловчи йилида янги ютуқларни қўлга киритиш учун барча оммавий ташкилотлар ишига раҳбарликни янада яхшилайдилар, уларнинг фаолиятини активлаштириш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

М. АҲМАДЖОНОВ,
Бўка район партия комитетининг иккинчи секретари.

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ АГРЕГАТЛАР

◆ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Юқори Чирчиқ район тажриба заводида янги конструкциядаги механизациялашган заправка агрегатларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир корхонада бундай янги агрегатлар оммавий равишда тайёрланмоқда. Техник жиҳатдан такомиллашган, мукаммал бундай агрегат шу заводнинг ўзида бунёдга келди. Натижада минглаб сўмлик маблағни иқтисод қилиш имконияти туғилди. Завод ўз маҳсулотини мамлакатимизнинг турли районларига юбормоқда. Яқинда янги заправка агрегатларидан бир группаси БАМ қурилишига жўнатилди.

Корхонада КПСС XXV съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган ишчи ва хизматчилар кунлик ва ойлик топшириқларни мунтазам равишда ошириб бажаришмоқда.

Суратларда: (юқоридан) илғор электр пайвандчи Е. Бимурзаев. Иншоот цехида.

Г. Пунь фотоси. (ЎзТАГ).

ОЛМАЛИҚ ХАБАРЛАРИ

СЪЕЗД ШАРАФИГА

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи ва хизматчилари ўртасида муҳокама қилинди. Цехларда, участкаларда бўлиб ўтган йиғилишларда ишчилар шу қарорга жавобан ўз зиммаларига ошириган мажбуриятлар олишди.

Комбинатнинг 3-автобазаси коллективи ўз резерв ва имкониятларини қайта кўриб чиқиб, съезд шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини 20 декабрда бажаришга аҳд қилди. Планга қўшимча равишда 50 минг тонна юк ташилади. Илгари бу кўрсаткичга 25 декабрда эришиш назарда тутилган эди.

1-автобаза шоферлари эса йиллик планни муддатидан уч кун олдин бажаришга сўз бердилар. Айниқса коммунистлар намуна кўрсатиб, ошириган шахсий мажбуриятлар олишди.

ИНЖЕНЕРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Тошкент политехника институтининг Олмалиқдаги кечки кон-металлургия факультетини навбатдаги бир гуруҳ талабалар битириб чиқишди.

114 киши кон инженери дипломини олди. Улар орасида ҳозирдаёқ шаҳардаги саноат корхоналарида масъул вазифаларда ишлаётган кўплаб кишиларни учратиш мумкин. Мис эритиш заводининг бош инженери В. Шурчков, Сари-Чеку конининг бошлиғи А. Шабанов, руҳ заводининг бош энергетиги Ф. Файзиев, 1-қурилиш бошқармасининг старший энергетиги Н. Орипов ва бошқалар шулар жумласидан.

Кечки факультетни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда «аъло» баҳо билан тугаллаган Ш. Хушназаров, Н. Утехинларга қизил муқовали дипломлар тақдим этилди.

Кечки факультет ташкил этилган 1958 йилдан буён уни 1200 киши тугаллади.

ТЕХНОЛОГИЯ ЖАРАЁНИ ТЕЗЛАШАДИ

Мис саралаш фабрикасида янги ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва илғор иш усулларидан фойдаланишга тобора кўпроқ эътибор бериляпти. Натижада меҳнат унумдорлиги ортиб, кўпгина иш жараёнлари механизациялашиб, қўл меҳнати камайиб боряпти.

Ҳозирги кунларда автоматик рентген-спектрал анализатор ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.



ПАХТА ТАШИЙДИГАН ПОЕЗДЛАР

Бутуниттифоқ «Сельхозтехника» бирлашмаси пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мўлжалланган, тўртта ва ундан кўпроқ прицеп тиркаладиган янги трактор поездларини кўплаб ишлаб чиқаришга топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай составнинг конструкциясини Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг ходимлари яратдилар.

Бундай поездларни кўплаб ишлаб чиқариш буюртмаси Тошкент трактор заводига топширилди. Келгуси йили дастлабки минтта ана шундай янги трактор составини тайёрлаш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

МЕДИКЛАР АНЖУМАНИ

Эртага пойтахтимизда яна бир улкан анжуман — СССР Медицина фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг кўчма сессияси ўз ишини бошлайди.

Сессияда «Ичак инфекцияларида эпидемияга қарши, санитария ва даволаш тадбирларининг илмий асослари» проблемаси атрофлича муҳокама қилинади.

Бу йирик анжуманга тайёргарлик ишлари бундан бир мунча вақт илгари бошлаб юборилган эди. Шу мақсадда Москвада — СССР Медицина фанлар академиясининг академиги В. Д. Соловьев, Тошкентда — республика соғлиқни сақлаш министри, профессор К. С. Зоиров раислигида, соҳанинг энг таниқли олимлари иштирокида махсус ташкилий комитет иш олиб борди.

Кўчма сессияда ичак инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикаси, одам ичак патологиясида ташқи муҳит факторларининг таъсири, юқумли ичак касалликларини ўрганиш ва даволашнинг муҳим ва хилма-хил масалалари муҳокама этилади. Улар учта — гигиена, эпидемиология ва микробиология ҳамда юқумли касалликлар секцияларида ўқиладиган докладлар ҳамда шуларни муҳокама этиш давомида атрофлича қамраб олинади. Шунингдек, республикамизда ташқи муҳитни муҳофаза қилиш ва ичак инфекцияларини даволаш принципларига доир бошқа илмий ва амалий масалалар ҳам қараб чиқилади.

Кўчма сессияда СССР Медицина фанлари академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик В. Д. Тимаков, шу академиянинг академиклари, профессорлар О. В. Бароян, А. Ф. Билибин, К. В. Бунин, П. Н. Бургасов, А. А. Минх, В. Д. Соловьев, мазкур академиянинг мухбир аъзолари, профессорлар В. Д. Беляков, А. З. Зоҳидов, В. И. Покровский, Г. И. Сидоренко, А. П. Шянкова, С. Н. Черкинский, И. К. Мусабоев, И. Л. Богданов ўртоқлар қатнашадилар ва асосий мавзуларда доклад қиладилар.

Шунингдек, мазкур йирик анжуманда республикамиз Фанлар академиясининг академиклари, москвалик ва тошкентлик медицина фанлари докторлари ва кандидатлари, врачлар хилма-хил мавзулардаги доклад ва ахборотлар билан иштирок этиб, илмий музокараларда қатнашадилар.

СССР Медицина фанлар академияси (гигиена, микробиология ва эпидемиология ҳамда клиник медицина бўлимлари) ва ЎзССР соғлиқни сақлаш министрлигининг кўчма сессияси 1 октябрь куни Ҳамза номли театр биносида очилади ва уч кун давом этади.

И. СУЛТОНОВ.

САНОАТ-ҚИШЛОҚҚА

«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» заводи ғалати культиваторлар ишлаб чиқарабошлади. Уларга янги конструкциядаги ўғит сепадиган аппаратлар ўрнатилган. Корхона мутахассислари яратган аппарат ихтиро деб топилди. Ў ғўзага ишлов берадиган ҳар қандай машинада — юмшатгич культиваторда бўлсин, чизел-культиваторда, ўғитлагичда бўлсин, хоҳ нормал, хоҳ ортиқча намиқан ўғитни бир меёрда тушишини таъминлайди. Бундан ташқари, экиннинг ҳолатига қараб, ўғит солиш нормасини тезгина ростлаш мумкин бўлиб қолди. Автоматнинг янги иш органи — айланма ўғит ташлагич механизми бор, очиладиган бункер қўйилган, уни тозалаш ва тўлғазиш осон. Бундан ташқари, бункернинг ҳажми аввалгисига нисбатан 2 баравар катталаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ механизаторига унча кўп қийналмай, аввалгига нисбатан анча катта пахтазорга ишлов бериб чиқишига имкон беради. «Чирчиксельмаш» коллективи келаси йилиёқ 16 минг культиваторга «АТУ» маркали ўғит сепувчи автоматлар тайёрлаб бермоқчи. Бундай культиваторлар мамлакатнинг ҳамма пахтакор республикаларига юборилади.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

27 сентябрда фармацевтика институтининг мажлислар залида область аптека ва медицина ходимлари активининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент область ижроия комитетининг область аптекалар бошқармасига СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли аптека бошқармалари ва медицина техникаси бўлимлари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллаганлиги учун СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи топширилди.

Кўчма Қизил Байроқни СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги номидан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Қ. С. Зоиров топширди. Тантанали йиғилишда Тошкент область партия комитети секретари А. М. Хўжаев, Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева, медицина ходимлари касаба союзлари республика комитетининг секретари М. И. Бельскаялар қатнашдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXV съезди шарафига ўзаро мусобақани қизғин авж олдирган кўн-галантерея фабрикасининг 3-филиали коллективи белгиловчи йилнинг тўққиз ойлик планини муддатидан илгари анча ортиғи билан адо этди. Планга қўшимча 34 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Коллективнинг бундай юксак меҳнат кўрсаткичига эришишида шахсий мажбуриятлар қабул қилиб ишлаётган А. Усмонова, Б. Мухторова, У. Сафаева, Р. Мўминхўжаева сингари беш йиллик зарбдорлари қўшган ҳисса баракали бўлди. Улар бир сменада 1,5 норма иш бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Бу илғорлар шахсий беш йиллик планларини муддатидан анча илгари бажариб қўйдилар.

С. АҲМАДАЛИЕВ.

АТОҚЛИ ҚЎМОНДОН

А. М. ВАСИЛЕВСКИЙ ТУҒИЛГАН КУНГА 80 ЙИЛ ТЎЛДИ

1942 йилнинг сентябри. Фашист қўшинларининг қарийб 1 миллионлик ғалалари Волга томон интилиб, шаҳар ҳимоячиларини улоқтириб ташлашга ҳаракат қиларди. Уша кунларда Олий Бош Қўмондон Ставкасида қарши ҳужумга ўтиш планини ишлаб чиқишга киришилди. Бу планнинг амалга оширилиши бутун иккинчи жаҳон урушида тубдан бурилиш ясалажагини билдирарди. Ана шу планнинг муаллифларидан бири 1943 йил февралида Совет Иттифоқи Маршали унвонини олган Александр Михайлович Василевский эди.

Агар А. М. Василевскийнинг «хизматлари рўйхати»да бошқа бундан кам бўлмаган ажойиб операциялар ёзилмаганида ҳам унинг номи ҳарбий санъат тарихига абадий ҳарфлар билан ёзилган бўлур эди, негаки Сталинград остида 330 минг кишилик фашист армияси ўраб олиниб, сўнг йўқ қилиб юборилган эди.

А. М. Василевскийнинг қўмондонлик истеъдоди, ташкилотчилик қобилиятлари фақат биргина Сталинград жангидагина кўринмади. У уруш йиллари Бош штабни бошқариб, совет қўшинлари амалга оширган ҳамма йирик операцияларни ишлаб чиқишда бевосита қатнашди.

1945 йил баҳорида унинг қўл остидаги қўшинлар жуда мураккаб бир шароитда Шарқий Пруссиядаги қудратли мудофаа қурилмаларни яксон қилиб, Кенигсберг шаҳрини эгалладилар.

Совет қўшинларининг милитаристик Япония устидан қозонган ғалабаси ҳам Василевский номи билан боғлиқдир. 1945 йилнинг ёзида у Узоқ Шарқдаги Совет Қуролли Кучлари Бош Қўмондонлигини бошқарди. 23 кун ичида совет қўшинлари Японияннинг миллион кишидан иборат Квантун армиясини буткул тор-мор қилдилар. Бу ғоят қудратли ва шиддатли зарба душман қўшинларининг тўла-тўкис қуршаб олиниши ва узил-кесил тор-мор қилиниши билан тугалланди. Узоқ Шарқ кампанияси ўзининг тезкорлиги, кенг кўлами, ҳамма кучвоситалар, қўшин турларининг ўзаро аниқ ҳамжиҳатлик билан иш кўриши, шу куч ва воситалар кўзланган мақсадга эришиш йўлида яхлит қўлланиши билан диққатга сазовордир. Буларнинг ҳаммасида маршал Василевскийнинг қўмондонлик услуби яққол кўринди. Квантун армиясига қарши операция плани А. М. Василевский иштирокида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган эди.

А. М. Василевский ўзининг «Бутун ҳаёт иши» китобида қўмондонлик ишининг ўзига хос омиллари ва услуби ҳақида фикр юритади. Совет қўмондонлари, деб ёзади у, катта билим ва тажрибага эга эдилар. Улар оператив-стратегик шароитни тўғри баҳолаб, душманга кутилмаган тарзда ва муваффақиятимизни таъмин этадиган даражада қарор қабул қила биладилар, ўз штаблари билан операцияни амалга оширишнинг энг содда, аммо тажрибада кўп кўрилмаган планларни ишлаб чиқа оладилар, қўшинларни қабул қилинган қарорни тез ва пухта амалга ошириш учун тайёрлай оладилар.

Василевский фикрича, стратегик фронт ва армия операцияларини бажара билиш санъати қўмондонлик фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган ҳал қилувчи омилдир. Совет қўмондонлари уруш давомида фаол мудофаа қилиш ҳамда унинг олий шакли бўлган қарши ҳужум қилиш маҳоратини эгаллаб олдилар, ҳужумкор стратегия намуналарини кўрсатдилар, ҳужумнинг энг қатъий формаси — душманнинг йирик группировкаларини яксон қилиш мақсадида уни ўраб олишни ҳам яхши ўзлаштириб олдилар.

Василевскийни билган ҳамма кишиларга унинг ғоят камтарин одам эканлиги маълум. У ҳеч қачон, ҳеч бир ишда ўз шахсини юқори қўймаган, ўз аҳамиятини бўрттирмаган. Шунинг учун ҳам совет қўмондонининг фазилатлари тўғрисида гапирганда у ўзини ҳисобга олмайди ҳам. У кўпроқ ўз дўстлари ва ҳамкасблари ҳақида гапиради. Аммо, совет қўмондонининг у чизиб берган умумлашма сиймосида маршал Василевскийнинг ўз фазилатларини ҳам яққол кўраман. Кучли ва бешафқат душман билан қуролли кураш ҳарбий раҳбарларга жуда катта талаблар қўйган эди. Маршал Василевскийнинг ўзи худди шу талабларнинг ҳаммасига жавоб беради.

Василевскийга инсон ва ҳарбий қўмондон сифатида хос бўлган яна икки фазилат ҳақида алоҳида айтишга тўғри келади. Коммунист, эътиқодли ленинчи бўлган А. М. Василевский қандай юқори лавозимда ишламаган бўлсин, ҳамиша солдат оммасидан ўзини устун қўймаган, аксинча, ҳамиша бевосита солдатлар орасида бўлган. Мен уруш йиллари қўмондонлик қилган 65-армияга маршал Василевский келганида, албатта солдатлар турган жойга борар, улар билан суҳбатлашарди. Турли вақтларда рота, батальон ва полкка қўмондонлик қилган, хизмат пиллапоясининг ҳамма босқичларидан ўтган А. М. Василевский жангчининг ҳаётини, унинг орзу-ўйларини яхши биларди. Бу нарса унинг ўзи Улуғ Ватан урушининг бош қаҳрамони деб атаган оддий солдат билан тезда умумий тил топиб кетишига имкон берар эди.

Василевскийнинг инсонийлиги ва мулойим табиати ҳам кишини мафтун қилади. У бирор марта ҳам ўз қўл остидагилар билан қўпол муомалада бўлганини, уларга баланд овоз билан гапирганини ҳеч ким эслай олмайди. Негаки, у ҳамма кишиларни умумий ишдаги яқин сафдошлари, деб билиб, муомала қиларди. 65-армияга Ставка вакили А. Василевский келганида ҳаммамизнинг руҳимиз кўтарилиб кетарди. Ҳа, у одамлар руҳини кўтариб, уларда ғалабага бўлган ишончни мустаҳкамлай биларди.

... 1975 йил 30 сентябрда маршал Василевский туғилган кунга 80 йил тўлади. У катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Аммо, инсон ҳаётининг баракаси йиллар билан эмас, балки у қилган ишлар билан ўлчанади. А. М. Василевский ўз хотиралари китобини «Бутун ҳаёт иши» деб атаганини юқорида эслатган эдик. Чиндан ҳам социалистик Ватанимизни ҳимоя қилиш, унинг Қуролли Кучлари ҳарбий куч-қудратини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш унинг бутун ҳаёти давомида қилган иши бўлди. У 80 йилнинг 55 йилини Совет Армияси сафларида ўтказди ва ҳамиша шу армиянинг содиқ солдати бўлди ва худди шундай бўлиб қолаверади.

Маршалнинг 80 йиллик юбилейи совет халқи фашизм устидан қозонган ғалабасининг 30 йиллиги билан бир даврда нишонланмоқда. Маршал Василевский ана шу ғалабага кўп муносиб ҳисса қўшди.

П. И. БАТОВ,
армия генерали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
(АПН).

ДЕҲҚОН ЎҒЛИ

(ЛАВҲА)

РАЙКОМ вакили умумий йиғилишда сўзга чиқиб, бўлимнинг масъулиятсиз раҳбарларини қаттиқ танқид қилди:

— Ўртоқлар, яхши ҳосилдор ерларингиз, меҳнатсевар ишчиларингиз бор-у, бироқ дурустроқ агрономга ёлчимаяпсиз. Бўлимга янги агроном тайинлаш керак. Лекин, шошилманглар, ўйлаб, мулоҳаза юритиб, тавсия этинглар.

Залга бир он жимлик чўкди. Ниҳоят, орқаророқда ўтирганлардан кимдир сўз сўраб қўл кўтарди:

— Мен Муҳаммад Шириновни тавсия қилмоқчиман! Уни ҳамма биладиг. Пахта деса, ер деса, жон деб ишлайдиган азамат. Бу ишни бемалол эплайди.

Ҳамма орқа қаторда ўтирган кенг яғринли, яноқлари офтобда қорайган, новча бўй Муҳаммадга ўгирилиб қаради. У шу қишлоқда туғилган, шу ерда ҳамма болалар қатори униб-ўсди, вояга етди. Урта Чирчиқ районидаги мана шу Киров номли ўқув хўжалигининг иккинчи бўлими ерлари, бепоён пахтазорлар унга қадрдон.

Муҳаммад мажлис саловати босиб, нима дейишини билмай, ўрнидан турди. Ундан бурун сўз олган киши «Дадил, дадил гапиравермайсанми, ука-» деб лукма ташлаганидан кейин ўзини тутиб олиб, деди:

— Билдирган ишончингиз учун кўп раҳмат. Лекин... лекин эплай олармиканман?!

Залда ғала-ғавур бошланди.

— Эплайди!!! Яхши номзод! Биз розимиз!..

Муҳаммад тонг саҳар ўй деразасидан қадрдон далаларга боқишни жуда севади: олисдаги қорли тоғлар виқорли ҳўзга ташланади. Довдарахтлар зумрад барг ёзган. Қирларни адирлар яшилликдан либос кийган. Ора-чора тракторлар, бульдозерлар ҳайқириғи қулоққа чалинади.

Ҳа, чўлда меҳнат тонги отди. Қўрикда меҳнат жасорати давом этяпти. У ерлар Муҳаммадга жуда таниш. Тупроғининг ҳар бир қаричида унинг изи бор. Нигоҳи тушган далаларни кезишни хуш кўради. Тоғ каби юксак хирмонлар кўтариш эзгу мақсади. Одимининг шашти ҳам шундан.

Деҳқон ўғли бир кафт тупроқни олиб, бармоқлари билан уқаларкан, «туганмас ҳазина!» дея ҳаёлидан ўтказди. Шудгор тепасида ғалалашиб учиб юрган қарғаларни ҳуркитганча, тракторчилар ёнига яқинлашди. Улар билан саломлашаркан, ерларни сифатли шудгорлаб, текис планёрка қилаётган механизатор йигитлар ишига таҳсин айтди. Галдаги юмушлар ҳақида маслаҳатлар берди...

Бўлимда тўқай, қумлоқ ва заҳкаш ерлар анчагина эди ўшанда. «Наҳотки, шунчадан-шунча ер бекор ётса! — юраги ачирди Муҳаммаднинг. — Ахир, ҳаммаси ўз еримизку. Бўгани ўзи шунақа, деб қўл силтаб юраверамизми? Ерларнинг заҳи, тўқайларнинг суви кочирилса, озмунча ерга эга бўламизми?! Бу ерлар колхозга нақд фойда, нақд резерв-ку!».

Интилганга толе ёр, деб шуни айтишаркан. Сўзи билан иши бир Муҳаммад бу хайрли ишга ўзи бош бўлди. Экскаваторлар тўқай тинчини бузиб, ҳайқира кетди. Узундан-узун чуқур зовурлар, ботқоқликлар сувини сипқира бошлади. Қўриқ дастлабки йили 26 центнердан «оқ олтин» ҳосили берди. Аммо, Муҳаммад турғунликни ёқтирадиган йигитлардан эмас. У ерларни «соғайтириш», унумдорлигини ошириш мақсади билан яшади. Риск-рўзимиз, сурури билан тарбия қила олган, ардоқлаган киши мақсадига эришади».

Бўлимда ер, сув, техника, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тежабтергаб, ўз ўрнида фойдаланиш одатга айланди. Ҳар бир нарса ҳисобда. Агрономнинг ўзи доим далада, одамлар орасида. Бирники кўпга — кўпники бирга бўлганидан кейин интизом ҳам йўлга тушиб кетди.

... Йиллар ўтди. Муҳаммад Ширинов элга танилди. Ўқиб, илм соҳиби бўлди. Аввалига Тошкентдаги техникумни, сўнгра қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини имтиёзли тугатди. У олган билимларини амалиёт билан пайванд қилди.

Муҳаммад Ширинов ҳақида қишлоқ кексаларидан кўп яхши гаплар эшитдик.

— Бугунги ишни эртага қўймайдиган яхши одати бор, — дейди хўжалик бош агрономи У. Мухтасимов. — Ҳар ишнинг ўз вақт-соатида бўлишини ёқтиради.

Ҳа, бош агрономнинг гапида жон бор. Ҳозир уни уйдан топишингиз қийин. Бепоён «оқ олтин» далаларида «зангори кема»лар ҳайқираётган мана шу долзарб кунларда у хотиржам бўла олармиди. Ахир ҳамманинг фикри-зикри пахтазорда, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган кураш майдонида. У ишчилар меҳнати буромадини ўйлайди!

Вақт ғанимат. Имилласанг, нақдингдан айриласан, — дейди халқимиз. Бўлим агрономи буни яхши биладиг. Шунинг учун ҳам уни тоғ маккажўхоризорда, тоғ бедапояда, чорвадорлар ҳузурида учратасиз.

Муҳаммад Ширинов бўлим партия ташкилотининг секретари. У ҳар бир соҳада коммунистлар ташаббусига таяниб иш тутмоқда. Коммунистлар социалистик мусобақа пешқадами. Улар коллективда ҳам ташкилотчи, ҳам тарбиячи ҳисобланишади. Бундай сергайрат коммунистлардан С. Жонсаитов, Я. Усмонов, М. Бекиров, И. Тошканбоев сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар йилдан-йилга пахтадан юқори ҳосил кўтармоқдалар. Бу йил уларнинг ҳиммати яна ҳам баланд. Тикланажак улкан хирмон — съездга инъом!

А. ҚОДИРОВ.

ОПЕРАТИВ ШТАБ МАЖЛИСИ

27 сентябрда Тошкент область партия комитетининг пахта йиғим-терим кампаниясини идеологик жиҳатдан таъминлаш оператив штабининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда область матлубот жамияти раиси З. Г. Хўжаев ва маиший хизмат кўрсатиш область бошқармасининг бошлиғи Х. У. Умаровларнинг пахтакорларга савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳақидаги ахборотлари тингланди. Бўка ва Чиноз район партия комитетлари секретарлари А. И. Абдуллаев ва Б. У. Ғуломовалар область партия комитети рейд бригадаси томонидан дала шийпонларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Шунингдек, мажлисда «Интернационал» колхози партия комитетининг секретари И. Г. Шекнинг пахта йиғим-терим кампаниясини ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

ЯНГИ СУТ ФАБРИКАСИ

СОЛДАТСКИЙ. (ЎзТАГ). Тошкент областидаги В. Волков номли совхозда 800 бош сигирга мўлжалланган янги сут комплекси фойдаланишга топширилди. Бу комплекс бир йилда 3 миллион килограмм сут етказиб беради.

Мол боқиш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар механизациялаштирилгаи. Бир соатда 200 бош сигирнинг сутини соғиш имконини берадиган «Волга» маркали сут соғиш қурилмаси ўрнатилган. Бутун подага йигирма киши хизмат қилади.

Бу—беш йилликнинг якунловчи йилида Тошкент областида қурилган тўртинчи сут фабрикасидир.

◆ УРТОҚ Ислом Мавлонов бошлиқ бригада Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхозининг бригадалари ўртасида бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Экинларнинг барча турлари бўйича берилган плани 1,5 баравар қилиб адо этди.

Бригада аъзолари сабзавот, полиз, картошка ва маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирмоқда. Ишчилар ва механизаторлар экинни яхши парвариш қилдилар, вақтида озиқлантирдилар, суғордилар. Натижада 56 ўринга 100 тоннага етказилиб маккажўхори дони топширилди.

Ишчилар экинлардан бўшаган ерларни шудгор қилиб, келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

Суратда: бригада бошлиғи М. Мавлонов ва механизатор М. Иброҳимов ўртоқлар.

И. Зайнуддинов фотоси.

ОЛИМНИНГ ИҚБОЛИ

ҲАФИЗ АБДУСАМАТОВ 50 ЁШДА

Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти илм-фаннинг барча соҳаларига тинмай оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу ғамхўрликни Улуғ Ватан урушидан кейинги босқичда беқиёс камолотга кўтарилган ўзбек адабиёти мисолида кўриш мумкин. Шу кунларда республикамиз жамоатчилиги 50 йиллик юбилейини кенг нишонлаётган олим Ҳафиз Шоаҳмедович Абдусаматов ана шу чексиз ғамхўрликни юракдан тўйиб, ижод қилаётган мунаққидлардан биридир.

1946 йили Ўрта Осиё Давлат университетини аъло натижалар билан тамомлаган Ҳафиз Абдусаматов қариб 30 йилдирки бутун онгли фаолиятини, қалб қўрини ва билимини адабиётшунослик фанини ривожлантиришга сарфлаб келмоқда. Ўз вақтида жаҳон классикларининг асарларини зўр муҳаббат билан ўқиган бўлажак олим ўзининг баракали илмий фаолиятида ҳам адабиётшунослик фанининг турли соҳаларига оид хилма-хил мақола ва монографик тадқиқотлар яратди. У 1948—1952 йилларда аспирантурада таҳсил кўриб юрган чоғларидаёқ чуқур назарий билимини намойиш этган эди. Ҳафиз Абдусаматовнинг адабиётшунослик фаолияти совет драматургиясининг назарий проблемалари билан боғлиқ равишда шаклландики, бунга Константин Симонов, А. Корнейчук ва Л. Леонов каби йирик сўз санъаткорларининг драматик асарлари таҳлилига бағишланган ҳамда 1952 йили Москвада ҳимоя қилинган «Улуғ Ватан уруши даври драматургияси» номли мавзуда ёзилган кандидатлик диссертацияси яққол мисол бўла олади. Диссертацияда ёш олим драматургия жанрининг ўзига хос спецификасидан келиб чиқиб, уч санъаткорнинг драматурглик маҳоратини конкрет мисоллар билан илмий асослаб берди.

1954 йилга келиб, ўзбек совет драматургиямизни кенг ва атрофлича анализ қилган «Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир» номли монографиясини ёзиб тугатди. Абдулла Қаҳҳор, Уйғунларнинг драматик асарларини эпик планда чуқур таҳлил қилди ва уларнинг драматургиясига хос характерли хусусиятларини ўзбек совет драматургиясида яратилаётган ижобий анъаналар билан боғлаб текширди. «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида» номли ишида эса, Ҳафиз Абдусаматов атоқли сўз устасининг ижодий лабораториясига яна ҳам чуқурроқ кириб унинг маҳорат сирларини кашф этди.

Ҳафиз Абдусаматов 50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб кўпроқ пешқадам драматург Комил Яшин ижодини тадқиқот объекти қилиб ола бошлади. Натижада 1964 йилда М. Саидов билан ҳамкорликда «Яшин» номли монографиясини яратди. Олдинги тадқиқотларида ҳам Яшин драматургиясининг баъзи хусусиятларига мурожаат қилиб келган олим бу асарида ёзувчининг ижодий фаолиятини кенг планда таҳлил қилди.

Кўп йиллик изланишлар натижаси ўлароқ 1974 йилда «Традиция ва новаторлик» номли монографиясини нашр қилдирди. Бу асарда Ҳамза анъаналарини Комил Яшин томонидан садоқатли шогирд сифатида чуқур талқин қилиниши ва Яшининг ўзига хос новаторлиги масаласи жуда кўп фактик материаллар воситасида назарий асослаб кўрсатиб берилди. Ҳафиз Абдусаматов кўп йиллик фаолияти давомида вақтли матбуот ва журналлар саҳифаларида Абдулла Қаҳҳор, Яшин ва Назир Сафаров ижодларига бағишланган пухта, илмий асосга қурилган мақолалари билан муттасил иштирок этиб келди. 1968 йилда ҳимоя қилган «Ўзбек совет адабиётида сатира» номли докторлик диссертацияси қўйилган муҳим масалани чуқур таҳлил қилиб, тадқиқотчилик маҳоратини яна бир бор кўрсатди.

1952 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт Институтида самарали меҳнат қилиб келаётган Ҳафиз Шоаҳмедович мазкур йиллар ичида катта илмий ходимликдан тортиб Институт директорининг ўринбосари, сектор мудири, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида пропаганда ва агитация бўлимининг сектор мудири, фан ва маданият бўлимининг ўринбосари, (62—63 йиллар) Ўзбекистон Маданият Министрининг биринчи ўринбосари каби лавозимларда ҳам ишлаб, принципиал ташкилотчилигини намойиш қилдики, бу карса 1972 йилда Тил ва адабиёт институти қошида болалар адабиёти секторининг бевосита Ҳафиз Абдусаматов ташаббуси орқали ташкил этилиши билан изоҳланади. Олимнинг болалар адабиёти секторига бошчилик қилиши унинг ижодий имкониятини янада кенгайтириб юборди. Кейинги йилларда болалар адабиёти бўйича йирик ишларни амалга ошириш иштиёқи билан яшаётган мунаққид «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий—болалар ёзувчиси» номли асарини тугатди. Москвада ўтказилган болалар адабиётшунослигининг ҳозирги аҳволига бағишланган мажлисда «Ўзбек совет болалар адабиётига доир» номли доклади, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ўзбек совет болалар адабиётига бағишланган йиғилишда қилган доклади кичкинтойлар адабиётини ривожлантириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳозир серқирра олимнинг илмий ҳофизаси айни тўлишиб кучга кирган палласи. Филология фанининг забардаст жонкуярларидан бири сифатида адабиётшунослигимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиб келаётган заҳматкаш олимни муборак 50 ёши билан самимий қутлаймиз. Унга сиҳат-саломатлик ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Ҳ. ҚАЮМОВ,
Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БРЮССЕЛДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ

БРЮССЕЛЬ. (ТАСС). Бу йил Ўзбекистон ССРга бағишланган Совет Иттифоқи кунлари Бельгияда зўр муваффақият билан ўтмоқда. Ўзбекистон давлат филармониясининг «Лазги» вокаль-хореография ансамбли биринчи томошасига келган пойтахт аҳолиси Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикалар халқларининг қўшиқ ва рақслари билан танишганларидан кейин артистларни узоқ вақт саҳнадан кетишга қўйишмади. Ансамбль Брюсселдаги концертдан кейин мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўз маҳоратини намойиш қилади.

Шу кунларда Бельгияда ўзбек усталари бадиий асарларининг кўргазмаси ҳам очилди, ўзбек фильмлари ҳафталиги ўтказилмоқда.

А. КУНЬЯЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛИССАБОН, 29 сентябрь. (ТАСС). Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алваро Куньял бугун бу ерда бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, Португалиядаги революцияни бўғишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган реакциянинг фитнаси барбод бўлди, деб айтди. Давлат тўнтариши юз бериши, ўнг ҳукумат тузилиши, шундан кейин реакцион диктатура ўрнатилиши хавфи асосан тугатилди. Ҳукуматнинг мақбул программаси маъқулланганлигига ва 6-муваққат ҳукумат составига коммунистлар кирганлигига қарамай, революция ғалабаларига нисбатан хавф-хатар ҳали ҳам бартараф этилган эмас. Ҳукумат составидаги коммунистлар меҳнаткашларнинг манфаатларини ва революцияни ҳимоя қилиш учун бундан кейин ҳам сабр-матонат билан кураш олиб борадилар.

А. Куньял ҳокимиятни ва давлат органлари ҳамда қуролли кучлар составида интизомни мустаҳкамлаш керак, деб айтди. Биз ҳисоблаймизки, анархия фақатгина реакцияга хизмат қилиши мумкин, деди у.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Совет Ўзбекистони жамоатчилигининг ҳорижий мамлакатлар халқлари билан маданий алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимиз КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган Тинчлик программасини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этаётганликлари туфайли чет давлатлар билан дўстона ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун янги-янги имкониятлар очилмоқда.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти 20 йилдирки, халқаро алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Жамиятнинг 30 га яқин республика, область ва шаҳар бўлимлари бор. Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Андижонда эса жамиятнинг область бўлимлари ишлаб турипти.

Ҳозирги пайтда жамият жаҳоннинг 106 мамлакатидаги 3 мингга яқин жамоатчилик ташкилотлари ва вакиллари билан дўстлик алоқалари боғлаган. Бу мамлакатлар билан хат ёзишиб турилади, информацион материаллар, делегациялар айрибошланади.

Ўзбекистон дўстлик жамияти ўзининг матбуот органига эга. Европа ва Шарқ халқларининг олти тилида нашр этилувчи «Совет Ўзбекистони бугун» номли бюллетенни деярли барча қитъаларда зўр қизиқиш билан ўқийдилар. Жамият шунингдек, Ўзбекистон халқларининг коммунистик қурилишда қўлга киритаётган ютуқлари, бугунги фаровон ҳаёти ва кечаги тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи брошюралар чоп этади, фотовиставкалар, радиоэшиттиришлар ташкил қилади.

Чет элга графика, тасвирий санъат, болалар чизган расмлар, халқ амалий санъати намуналаридан иборат виставкалар, китоб ва альбомлар ҳам тез-тез юборириб турилади. Чунончи, 1974 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан республикамиз ҳақидаги комплекс материаллар юборилди. Ана шу материаллар асосида кўпгина мамлакатларда серқуёш республикамизга бағишланган турли хил тадбирлар — кечалар, митинглар, мажлис ва кўргазмалар ўтказилди. Венгрия, Югославия, Ҳиндистон, Покистон, Голландия, Англия, Канада сингари мамлакатларда бундай тадбирлар айниқса қизиқарли ўтди. Миср Араб Республикаси ва Ироқда Ўзбекистон мисолида Совет Иттифоқи кунлари бўлди. Республикамизнинг кўзга кўринган санъат ва адабиёт арбоблари у ерга меҳмон бўлиб боришди.

Ўзбекистон жамияти ўз навбатида республикамиздаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда дўст мамлакатларга бағишланган комплекс тадбирларни ҳам ўтказмоқда. Бунга мисол қилиб, якинда бўлиб ўтган, совет-ироқ дўстлиги кунларини олиш мумкин. Жамият чет эл мамлакатларига бағишланган ва республикамиз меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни кўплаб ўтказмоқда. Митинглар, тантанали йиғилишлар, дўстлик кечалари ана шулар жумласидандир. Бундай кечаларни ўтказишда жамиятнинг кордоналарда, колхоз ва совхозлар, ўқув юртларида ташкил этилган бошланғич ташкилотлари — дўстлик комитетлари яқиндан иштирок этмоқдалар. Дўстлик комитетлари жамиятимизнинг коллектив аъзолари ҳисобланади.

Жамият ҳар йили чет элдан келган юзга яқин делегацияни ва кўплаб турист группаларини қабул қилади, уларни республиканинг Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқлари билан таништиради. Чет элликлар орасида информация-пропаганда ишларини олиб бориш учун бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда маданий-сиёсий марказ ташкил этилган. Марказнинг ишида жамиятнинг актив аъзолари — кўзга кўринган олимлар, жамоат ва давлат арбоблари, адабиёт ва санъат усталари, ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этмоқдалар.

Тошкентда билим олаётган чет эл студентлари билан ҳам катта иш олиб борилмоқда. Улар учун махсус илмий-назарий семинарлар ташкил этилмоқда, революция, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, экскурсиялар, бадиий ҳаваскорлик фестивалларн ўтказилмоқда.

Ҳозирги пайтда жамият Бельгия ва Швецияда Ўзбекистон мисолида Совет Иттифоқи кунларини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу кунларда иштирок этиш учун иккала мамлакатга республикамизнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, «Баҳор» ва «Лазги» ансамбларининг концерт группалари жўнаб кетишади. Бу мамлакатларда халқ хўжалигининг айрим соҳалари, маданият ва санъат тараққиётини акс эттирувчи кўргазмалар, кинофильмлар намойиш этилади. Мазкур тадбирларнинг муваффақиятли ўтишига, мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорликни кенгайтириш ишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ҳозирги пайтда бутун совет халқи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда.

Жамиятимиз аъзолари республика меҳнаткашлари ва ҳорижий мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун бор куч ва имкониятларини ишга солдилар.

Қ. ТЎЛАГАНОВ,
чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти Президиуми раисининг ўринбосари.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА. 28 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси баёнот эълон қилиб, жаҳон жамоатчилигини франкизмни лаънатлашга, Франкошинг жиноятларига қарши ҳаракатларни кучайтиришга чақирди.

Франкочилар яна бир ёвузлик қилдилар, дейилади баёнотда. Мадрид, Барселона, ва Бургасда беш нафар актив антифашист қатл этилди. Франко мамлакатда ишчилар синфи билан демократларнинг диктатурага қарши, озодлик учун кураши кучайиб бораётганлигига йўл қўймаслик учун террор вазиятини вужудга келтиришга интилмоқда.

Бу жиноят, деб таъкидлайди жаҳон касаба союзларининг Федерацияси, бутун ақли расо инсониятнинг қаҳр ва ғазабини қўзғади. Бу қонҳўрлик Испания меҳнаткашларига ва халқига, бутун жаҳон афкор оммасига қилинган даҳшатли



ГДР. Республиканинг Болтиқ денгизидаги уч порти — Росток, Висмар ва Штральзундининг ўтган йилги юк оборотн 18 миллион тоннани ташкил этди. Замонавий кемасозлик техникаси ва илғор технологияни қўлланиш юк ортиш ва тушириш ишларини тез амалга ошириш имконини бермоқда.

Суратда: бу янги немис кемаси — «Фихтельберг» ўз бортига 192 юк машинасини ёки 450 енгил автомобилни қабул қила олади.

АДН-ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БУХАРЕСТ. Брашов тракторсозлари бу йил пландан ташқари 250 трактор жўнатдилар. Тракторсозлик корхонасида шу беш йилликда планга қўшимча равишда саккиз минг ҳар хил типдаги машиналар ишлаб чиқарилади. Брашов заводининг коллективи Руминия машинасозлари ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда.

◆ ГАВАНА. Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган «ТГМ-25» ва «ТЭМ-2» маркали локомотивларнинг яна 16 таси Гавана портига келтирилди. Кубанинг пўлат магистраллари учун тайёрланган совет машиналарининг биринчи туркуми ўтган йилнинг охирида Гавана портига етказиб берилган эди. СССРдагн махсус курсларни тамомлаб чиққан кубалик машинистлар ана шу локомотивларни бошқармоқда.

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон кўмир саноати мамлакатни ривожлантириш бешинчи беш йиллик планининг биринчи йили бўлмиш 1974—1975 йил мобайнида жуда кўп кўмир қазиб чиқарди. Бу саноат қазиб чиқарган кўмирнинг миқдори 88,4 миллион тоннани ташкил этди ва ўтган йили қазиб чиқарилган кўмир миқдоридан ўн миллион тонна ошиб кетди. Дехлида эълон қилинган расмий ахборотда шу тўғрида гапирилади.

◆ КАНБЕРРА. Австралия лейбористлар ҳукумати чет эл капиталларига нисбатан янги сиёсатни амалга оширажагини эълон қилди. Эндиликда Австралиядаги чет эл компанияларининг фаолияти устидан контроль кучайтирилади. Чет эллардан юборилладиган йирик капитал маблағлар тўғрисидаги қарорлар Австралия ҳукумати томонидан қараб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Бунинг натижасида ҳукумат чет эл капитали билан маҳкам боғланган хусусий сектор кооперацияларига актив аралашиш имконига эга бўлади.

(ТАСС, 27 август).



Ҳайкалтарош Р. ТЕР-ОГАНЕСЯН ўз ижодхонасида.

СЎЗЛОВЧИ ТОШ ЗАРҲАЛЛАР

ҲАВАСІ.. У меҳрга айланса, инсон заковати ажиб мўъжизалар яратишга қодир. Киприк остига яширинган ақл чироғи шунда равшанлашар, ақл-идрок теранлашар экан. Шунинг учун ҳам бирон касб-кор ҳақида гап кетса, катта ҳаёт кўрган кексаларимиз ёшларга мурожаат этиб, «Ишингга ҳавас қўй, ўғлим», деб насиҳат қилишади.

Тўғриси ҳам шу-да. Ўз касб-корига чин муҳаббат қўйган одамнинг доим иши юришган, кам бўлмаган.

Декоратив ҳайкалтарошлик устаси Р. Тер-Оганесян ҳам шундай гўзал фазилат соҳиби. Биринчи устози ундаги қобилиятни сезиб, ҳаёт сабоғи берганда у ҳали ёш эди. Ёш санъат ошиғи ўрта мактабни битиргач, 1952 йили Ереванда рассомчилик билим юрти эшигига қадам қўйди. Айни бир вақтда лойиҳалаш институтида рассом-макетчи вазифасида ўз малакасини оширди. Таҳсил кўрган ва яхши малака оширган ҳайкалтарош 1953—1956 йиллари Москвада, «Главмосстрой»нинг 28-трестида биринчи класс моделчи сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

1956 йилдан эътиборан унинг ҳаётида чинакам камолот йиллари бошланди. Р. Тер-Оганесян РСФСР бадиий фондида ишлай бошлади. 1960 йили эса у Тошкентга кўчиб келди. Узбекистон Маданият министрлигининг ихтисослашган эксперименталь ишлаб чиқариш комбинатига ишга кирди. Шу-шу унинг ижодида декоратив ҳайкалтарошлик санъатининг янги қирралари ўсиб камол топа бошлади. Бу, аввало, ўзбек миллий ҳайкалтарошлиги ривожи ва хусусиятлари билан боғлиқ эди.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида қурилишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қўли гул бинокорларимиз бунёд этаётган бири-биридан гўзал ва шинам бинолар эл-юрт таҳсинига сазовор бўлмоқда. Чунки, декоратив ҳайкалтарошлик санъатининг янги ютуқлари кенг қўлланилаётганлиги туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз бир-бирини такрорламайдиган, гўзал ва оригинал қиёфа касб этмоқда. Ҳар бир кўркам бинода қурувчиларимиз билан бирга санъат соҳибларининг ҳам муносиб меҳнат улуши бор.

Янги қурилишларнинг кулоч ёзиши декоратив ҳайкалтарошлигимиз олдида янги ёрқин истиқболлар очмоқда. Ҳайкалтарош устозларимиз бу борада самарали меҳнат қилиб, ажойиб санъат намуналарини яратмоқдалар. Заҳматкаш ҳайкалтарош Р. Тер-Оганесян ўз серқирра ижоди билан социалистик шаҳар ва қишлоқларимиз жамолини очишга салмоқли ҳисса қўшаётган йирик санъаткорларимизнинг бири. У ўз ижодида ҳайкалтарошлик санъати анъаналарини давом эттириш ва уни янги юксак поғонага кўтаришда кўп изланишлар қилган одам. Ана шу самарали меҳнат жараёнида у озмунча тош лавҳаларга жон киритмади. Бу мураккаб ва оғир санъат бобида Р. Тер-Оганесян ўз маҳоратини тинмай ошириб бормоқда.

1967 йилда Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозида катта ёдгорлик қад кўтарди. Ёдгорлик шу колхознинг Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамон жангчилари хотирасига бағишланган бўлиб, Р. Тер-Оганесян ижодига мансубдир. Бу хотираёдгорлик совет кишилари беқиёс жасоратининг ўзига хос тараннумидир. Ҳайкалтарош тош қиёфаларда танланган темани ҳар жиҳатдан тўлақонли ва ёрқин ифодалаб бера олган.

Р. Тер-Оганесян мемориал ҳайкалтарошлик жанрида ҳам самарали ижод қилмоқда. Боткин қабристонига ўрнатилган Узбекистон ССР халқ рассоми, театр декорацияси устаси И. Я. Вальденберг хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ва бошқалар санъат соҳибининг катта ижодий муваффақиятларидандир.

Ленин мукофотининг лауреати, машҳур ирригатор А. А. Саркисовнинг гранитдан ишланган портрет ҳайкали ҳайкалтарош серқирра ижодининг янги бобидир. Санъаткор унда бутун ҳаётини халқнинг бахт-саодати учун бахшида этган фидокор инсон, ҳақиқий коммунист, замондошимиз ёрқин образини қунт билан гавдалантирган. У Қирғизистон ССР пойтахти Фрунзе шаҳрида қурилиш ишларини механизациялаш бўйича ўтказилган виставкадаги ижодий ишлари учун СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг мукофотига сазовор бўлди.

Моҳир ва хассос санъаткор янги ижодий парвозларга шай. У яратган ажойиб композициялар доим санъат мухлислари ҳаёлини банд этади. Совет кишисининг маънавий қиёфасини, меҳнат жасорати ва фидокорлигини санъат дурдоналарида абадийлаштириш унинг ягона мақсадидир. Бу санъаткор учун катта бахт!

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
А. МИРЗААХМЕДОВ.







СУРАТЛАРДА: моҳир ҳайкалтарош яратган асарлардан намуналар.

А. Абалян фотолари.

Реклама ва эълонлар

„ШАПИТО“ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

3 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНАДИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР 17.30 ДА БОШЛАНАДИ.
Шанба кунлари 15.00 ва 17.30 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 17.30 да томошалар кўрсатилади.
КАССАЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН ИШЛАНДИ.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

МАРКАЗИЙ „ПАХТАКОР“ СТАДИОНИДА

4, 5 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 6 ДА

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

ҚАТНАШАДИЛАР:
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ
ЮГОСЛАВИЯ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ: ЗДЕНКА КОВАЧИЧЕК, ТОМИСЛАВ КРИЗМЕНИЧ, ДРАГАН АНТИЧ.
ВОКАЛЬ-ИНСТРУМЕНТАЛЬ АНСАМБЛИ
Ансамбль раҳбари — ДАЧЕ БЛАГОЕВИЧ.
«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» ВА ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДА КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА СОЛИСТЛАРИ:
Узбекистон ССР халқ артисти
БОТИР ЗОКИРОВ
Халқаро эстрада артистлари конкурсининг лауреати, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ЭСОН ҚАНДОВ
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар
ЛУИЗА ЗОКИРОВА, УРИЁ КЕРМЕНЧЕКЛИ;
Солистлар: ЛАРИСА КАНДАЛОВА, НАТАЛЬЯ НУРМУҲАМЕДОВА;
«ЯЛЛА» ВОКАЛЬ-ИНСТРУМЕНТАЛЬ АНСАМБЛИ
Ансамблнинг музика раҳбари — Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ЕВГЕНИЙ ШИРЯЕВ.
«ХАЙТАРМА» ЭСТРАДА АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФЕВЗИ БИЛОЛОВ.
ТОШКЕНТ «МЮЗИК-ХОЛЛИ»
ПРОГРАММАНИ — эстрада ва кино артисти ВЛАДИМИР ЛАПИН олиб боради.
БИЛЕТЛАР — СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА, «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ВА УНИНГ РАЙОН КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.
Концерт кунлари стадионга кириш учун берилган ҳамма абонентлар ва пропусклар билан кириш мумкин эмас.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Узбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
1975—76 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ, АВТОМАТИКА ВА РЕЛЕ ҲИМОЯСИ АППАРАТУРАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, ТЕПЛОТЕХНИКА УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ, КУЧЛИ ТАРМОҚЛАР ВА ЕРИТИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ПОДСТАНЦИЯ ВА СТАНЦИЯЛАР МОНТАЖИ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР.
Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил;
ТУРБИНА АГРЕГАТЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ГРЭС ва ТЭЦЛАРНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ УЧУН ТЕПЛОАГРЕГАТЛАР МОНТАЖИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.
Ўқиш муддати — 1—2 йил.
БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқишни тугатганлар мутахассислик билан биргаликда ўрта маълумот ҳам оладилар. Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар хоҳишлари бўлган тақдирда олий ўқув юртига йўлланма билан юборилади.
Бир ва икки йиллик ўқишларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ҳамма ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофоти билан таъминланадилар.
Билим юртига Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қисқа муддатли ўқишга қабул қилинадилар ва уларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.
БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.
Кирувчилар директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт, ҳарбий билет, 3х4 см, ҳажмдаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка, таржиман ҳоли, медицина справкаси.
Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, ТашГРЭС посёлкаси (62-автобус Олой бозоридан ТашГРЭСга қатнайди). Телефон: 62-12-16 — коммутатор — 6-12, 6-23, 3-18).

Спорт

СПОРТ МУХЛИСЛАРИГА

СССР терма командаси хоккейчилари биринчи матчни қачон ўтказишган ва бу матчда қандай натижа қайд этилганлигини биласизми! Шимолий Америкадаги «300 лар клуби»га кимлар аъзо бўла олишинги мумкин! 1980 йилда Москвада бўладиган олимпиядага қандай тайёргарлик кўрилаётганлигидан хабарингиз борми!

Ана шу саволларнинг ҳаммасига яқинда Москвадаги «Снёсий адабиёт» нашриёти босмадан чиқарган 1976 йилнинг «Спорт» календаридан жавоб топишингиз мумкин. Унда ишқибозларни қизиқтирувчи статистик маълумотлар, буржуа спорти қиёфасини фош этувчи кичик-кичик мақолалар, машҳур спортчиларнинг ҳаётида юз берган қизиқ воқеалар ёритилган. Шунингдек, барча аъзолари спортчи бўлган оилалар тўғрисида ҳикоялар, ўткир юморли карикатуралар, бошловчи спортчиларга маслаҳатлар, таниқли шахматчиларнинг энг яхши ўйинларидан намуналар ҳам календардан жой олган. Бугун бизнинг «Спорт» календарида эълон қилинган қизиқ воқеалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БИРИНЧИ МАТЧ ҚАЧОН БЎЛГАН

СССРнинг хоккей бўйича терма командаси ўзининг биринчи халқаро матчини 1954 йилнинг 29 январида ўтказган эди. Ушанда хоккейчиларимиз рақиблари—Финляндия командаси устидан 8:1 ҳисобида ғалаба қозонишган.

Биринчи мағлубият эса ўша йили 12 февралда Москва шаҳрида бўлган эди. Хоккейчиларимиз Чехословакия терма командасини қабул қилиб, 3:5 ҳисобида ютказиб қўйган эдилар.

1957 йилги жаҳон ва Европа чемпионатларидаги бир учрашув мамлакатимиз хоккейчилари учун энг сермаҳсул ўйин бўлиб қолган. Ушанда улар Австрия терма командаси билан бўлган матчда 22 та шайба киритиб, ўз дарвозаларидан атиги битта шайба ўтказиб юборган эдилар.

«АФСУНЛАНГАН АЙЛАНА»

Лассе Эфшин Норвегиядаги энг яхши коньки учувчиларидан бири ҳисобланади. 1972 йилда у қисқа масофадаги мусобақаларда жаҳон рекордини ўрнатиб, Норвегия терма командасидан мустаҳкам ўрин олган эди.

Эҳтимол, у хозирги пайтда ҳам ўз ватанининг спорт шарафини халқаро даврада ҳимоя қилаётган бўлар эди. Лекин, китоб дўконларида Эфшиннинг «Афсунланган айлана» романи пайдо бўлди-ю, унинг спортдаги муваффақиятли қатнашувларига чек қўйилди. Чунки, бу спортчи ўзининг қобилиятли адабиётчи эканлигини ҳам намойиш қилиб, буржуазия ҳукмрон бўлган мамлакатларда спорт бойлик орттириш воситасига айлантириб қўйилганлигини конкрет фактлар асосида исботлаб берди.

Эфшиннинг бу романи учун мамлакатдаги спорт мутасаддилари уни Норвегия терма командаси составидан чиқариб юборишга қарор қилдилар. Бинобарин, буржуа спортида ҳақиқат учун курашувчиларга ўрин йўқ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

1910 йилда таниқли гроссмейстер Тарраш Гамбургда бўладиган халқаро турнирда англиялик мастер Ятснинг қатнашишига кескин қаршилик қилди. Унинг фикрича, бу шахматчи халқаро мусобақада иштирок этадиган даражада кучли эмас эди.

Лекин Ятс мусобақага қўйилди. Турнирда гроссмейстер Таррашнинг фикри тўғри чиқди. Ятс турнир жадвалининг охирги поғонасидан ўрин олди-ю, лекин Таррашнинг ўзини мағлубиятга учратди.

РЕКОРД ВА РЕКОРДЧИЛАР

Футбол бўйича уч команда 1936 йилдан бери ўтказилиб келинаётган СССР чемпионатларининг барчасида узлуксиз иштирок этяпти. Булар Москва ва Киевнинг «Динамо» ва Москванинг «Спартак» командаларидир.

Ҳаммадан кўп пойтахт динамочилари СССР чемпиони бўлишган. Улар ўн марта биринчиликнинг олтин медалини қўлга киритишган. Динамочилар 23 марта совринли ўринларни ишғол қилиб, бу жиҳатдан ҳам ўзига хос рекорд ўрнатишган.

Мамлакатнинг 1936 йилда бўлган дастлабки чемпионатида пойтахт динамочилари мутлақ рекорд ўрнатишган эди. Улар олтита матч ўтказиб, ҳаммасида ғалаба қозонган, тўплар нисбати эса 22:5 ни ташкил қилган эди.

1946, 1947, 1948 йилларда ЦДКА (ҳозир ЦСКА) командаси қаторасига уч марта мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган эди. Бу рекордни 1966, 1967, 1968 йилларда Киев динамочилари такрорладилар.

«300 ЛАР КЛУБИ»

Бу клубнинг на устави, на президенти бор. Лекин, аъзолари эса истаганингизча топилади. Шимолий Америкада профессионал лигада ўйновчи хоккейчилар «300 лар клуби»га аъзо бўлиш учун камида 300 марта жароҳатланишлари ва баданларида шунча чандиқ қолиши шарт.

«Миллий хоккей лигаси ўзининг ярим асрлик тарихи давомида шунақанги даҳшатли ўйинларни кўрдики, уларда майдондан озмунча одамлар жароҳатланиб чиқиб кетмади. Биргина шу ўйинларнинг ўзидаги жароҳатлар спортнинг қолган барча турлари учун ҳам етиб ортади», —деб ёзади канадалик шарҳловчи А. Канелли.

Океан ортидаги хоккей стадионларида ҳатто ана шундай жангни кўргани атайлаб келадиган ишқибозлар ҳам кўплаб топилади.

— Икки ёш канадалик хоккейчи қўлидаги клюшкаси билан бир-бирининг бошини ёриш учун ҳаракат қилаётганликларини кўришга Қўшма Штатлардаги мингмингларб ишқибозлар атайин етиб келишади,— деб гувоҳлик беради америкалик журналист П. Дюлмидж.

Канадалик профессионал спортчи фақат яхши ўйнабгина қолмай, «Зўравон» ҳам бўлиши керакдир. Шунинг учун ҳам 300 лар клубининг аъзолари тобора кўпайиб бормоқда.

ВОРОШИЛОВГРАДДА ДУРАНГ

Олий лига командалари мамлакат чемпионатнинг тугашига олти тур қолди. Мусобақа охирлашган сари кураш тобора кескинлашмоқда. Навбатдаги турда турнир пешқадами Киев динамочилари марказий Армия спорт клуби командаси билан учрашиб, дуранг натижага эришдилар. Ҳисоб — 1:1. Шу ҳисоб «Заря» — «Пахтакор», СКА — «Зенит» командалари учрашувида ҳам қайд этилди.

Турнир жадвалининг иккинчи поғонасида келаётган «Торпедо» командаси Ереванда маҳаллий «Арарат» командасига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Тбилисининг динамочиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган «Шахтёр», «Карпат» командасини 1:0 ҳисобида енгган Москва динамочилари эса 28 очко билан «Торпедо»дан ўзиб кетдилар. «Днепр» ҳам хамон олдинга интилмоқда. У навбатдаги турда «Локомотив» командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Спартак» эса «Черноморец»ни 3:1 ҳисобида енгди.

БИРИНЧИ ЛИГАДА НИМА ГАП

Биринчи лига командалари футболчилари ўртасидаги баҳс қизғин паллага кирмоқда. Ҳозирча «Крилья Советов» командаси 41 очко билан турнирда карвонбошилик қилиб келмоқда. У кейинги баҳсда Кутаисининг «Торпедо» командаси билан беллашди. Учрашувда ҳар иккала томон кучи тенг келиб, ҳисоб очилмади. Иккинчи ўринда келаётган «Қайрат» эса Душанбеда «Помир» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйиб, учинчи ўринга тушиб қолди. Минскнинг «Динамо» командаси эса Нальчикда «Спартак» устидан 1:0 ҳисобида устун келиб, яна иккинчи ўринга кўтарилди.

Ҳозирча «Динамо» билан «Қайрат» ҳисобида 40 тадан очко бор. «Торпедо» ва «Нефтчи» эса 38 очко билан пешқадамлар изидан келмоқда. Кўриниб турибдики, олий лигага чиқиш истагини билдирган командалар анчагина. Лекин улардан фақат иккитаси олий лигага чиқади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ГА ОБУНА БЎЛИНГ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1976 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.00 —ТОШКЕНТ. 18.05 — «Доним тайёрі». 18.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.45 — Ижтимоий планлаштириш проблемалари. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Тошкент — Олмаота мусобақаси. 20.00 — Студентлик олтин даврим. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Телефильмлар. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 19.45 — Телеочерк. 0.15 —Қадрдон оҳанглар. 20.45 — Бадиий фильм. 22.00 —Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Театр ҳақида ҳикоялар. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Ўқитувчи экрани. 20.35 — Фильм-концерт. 21.30 — Тошкент янгиликлари. 21.55 — **Уғрилик** (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1ІХ да **Ҳижрон**, 2ІХ да **Туркман қизи.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ЧАПКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқуруни).

Флангсиз фронт — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 16.00, 18.00, 19.00).

СредазНИИгаз Ўрта Осиё табиий газ илмий-текшириш институти коллективи ноёблик алмашув лабораторияси раҳбари, техника фанлари кандидати З. С. Толибжоновга онаси
Умриниса
МИРЗАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—02683. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3470.